

ЗАХАРЛАНИШЛАРДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Муратова Гулсара Саидовна

Бухоро Давлат Университети

Аннотация: Муаллиф томонидан ушбу мақолада **Одам организмига захарли моддаларнинг кириш йўллари ва шошилинч вазиятларда кўриладиган чора-тадбирлар** уларнинг олдини олиш ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўзлар: захарланиш, симптоматик терапия, антидот, диурез, токсикоинфекциялар, гастроэнтерит, интоксикация, анаэро.

Захарланиш – бу одам организмига турли захарларни кириш оқибатида юзага келадиган касаллик ҳолати. Ўткир, сурункали, ишлаб чиқаришдаги, овқат маҳсулотлари, дорилар орқали захарланишлар бўлади. Захарли модданинг табиатига қараб, овқат маҳсулотларидан ва ноозик-овқат маҳсулотларидан захарланишлар фарқланади.

Овқат маҳсулотларидан захарланишлар захарли кўзиқоринлар ёки балиқлардан, овқат маҳсулотларини микроблар билан зарарланиши, хом маҳсулотлардан бўлиши мумкин.

Ноозик овқат маҳсулотларидан захарланишлар кучли таъсир қилувчи захарли моддалар, дори моддалари ва махсус кўрсатмалар билан юз бериши мумкин.

Одам организмига захарли моддалар нафас йўллари, овқат ҳазм тракти, тери орқали киради. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда умумий чоратадбирлар қуйидагилардан иборат:

- 1) захарли моддаларнинг организмдан чиқарилиши;
- 2) захарни зарарсизлантирувчи антидотларни зудлик билан қўллаш;
- 3) айна захар билан зарарланган аъзоларни вазифаларини ушлаб турувчи симптоматик терапия.

Микроблар ёки уларнинг токсинлари тушган озиқ-овқатни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган ҳамда ўткир гастроэнтерит ва интоксикация белгилари билан намоён бўладиган касалликлар овқат токсико инфекциялари дейилади. Бу касалликлар кўпинча тайёр овқат маҳсулотларига маълум турдаги ичак таёкчаси, энтерококк, стафилококк, стрептококк ва бошқа микробларнинг тушиб қолиши натижасида келиб чиқади. Бузилган гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ, колбаса, сабзавотлардан тайёрланган, яъни жамики сифати бузилган маҳсулотлардан касалланиш мумкин. Касалланиш ёз ойларида кўпроқ учрайди, чунки ёзда маҳсулотлар тез бузилади.

Ботулизм таёкчаси келтириб чиқарадиган ва марвазий нерв системасининг оғир жароҳатланиши билан кечадиган касаллик *ботулизм* дейилади. Бу бактериянинг токсини жуда кучли захарли модда ҳисобланади. Уни ишлаб чиқарадиган микроб анаэроб, яъни ҳаво кирмайдиган муҳитда кўпаяди ва захар ишлаб чиқаради. Бундай муҳит колбасада, ва турли сабзавотларда, консерваланган банкаларнинг қопқоғи шишиб қолганда ҳосил бўлади. Агар уларни тайёрлаш жараёнида б ботулин таёкчаси тушиб қолса, бу маҳсулотлар касалланишга сабаб бўлади. Уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари айниқса хавотирли ва токсин марказий нерв системасига таъсир этади, томоқда нарсга тикилиш ҳисси, ютиниш қийинлашуви, овоз пасайиши, баъзан чиқмай қолиши, кўз қовоқлари осилиб тушиши, кўз хиралашиши ва ғилайлашиши, бир нарсга иккита бўлиб кўриниши, кўнгил айнаш, қайт қилиш, қорин соҳасида оғриқ туриши, ич кетиши, ҳолсизланиш, ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади.

1. Ошқозон марганцовка эритмаси ёки ичимлик содасининг 5 % ли эритмаси (улар бўлмаса 0,5 л қайнатилган илиқ сув) ёрдамида ювилади.
2. Тозалаш клизмаси қилинади.

3. Ботулизмга қарши зардоб юборилади.

4. Антибактериал терапия.

Дизентерия – организмнинг умумий интоксикацияси ва асосан йўғон ичак пастки қисмининг жароҳатланиши билан кечадиган касаллик. Сифатсиз овқат маҳсулотлари, муддати ўтган, айниқса ёз кунларида ачиб қолган овқат маҳсулотларини истеъмо қилиш натижасида юзага келади. Касалликнинг клиник белгилари тўсатдан бошланади, қоринда нохушлик сезилади, иштаҳа йўқолади, кейинроқ қориннинг пастки қисми бураб оғрийди, ич кетади, нажас 4-5 мартадан ҳисобсиз равишга ич кетади, оғирроқ ҳолларда тана ҳарорати 39,5-40,0 °C гача кўтарилади, бош оғрийди, кўнгил айнаиб, қайт қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Биринчи ёрдам кўрсатиши:

1. Ошқозон ювилади.
2. Регидрон (1 л сувга 1 пакет порошок эритилади)
3. Смекта, Полифен, Микросорб
4. Но-шпа
5. Антибактериал терапия.
6. Парҳез

Бу турдаги заҳарланишлар овқатга ўсимлик заҳарларини тутувчи мевалар, барглар ва илдизларни истеъмо қилган вақтда ривожланади. Бундай ҳолатларда хавфни сезмай қолган болалар зарарланади.

Ўсимликлар таркибидаги заҳарлар алкалоидлар, гликозидлар, сапонинлар, эфир ёғлари ва бошқа химиявий бирикмалар бўлиши мумкин. Заҳарли ўсимликларни меваларини ва бошқа таркибий қисмларини (бузина, гелиотроп, жостер, красавка, лютик, спорынья) истеъмо қилган вақтда ўткир гастроэнтерит (кўнгил айнаш, қайд қилиш, қоринда оғриқ, ич кетиши) ривожланади. Оғир заҳарланишларда ҳолсизлик, юрак-томир, нафас системаларининг етишмовчилиги, тутқаноқлар, ҳушнинг йўқолиши кузатилиб, ўлим юз бериши мумкин. Заҳарли ўсимликлардан заҳарланишда биринчи тиббий ёрдам ошқозонни ювиш билан бошланади. Ундан сўнг ичишга активланган кўмир, заҳарларни қамраб олиш учун танин, ичакни тозалаш учун тузли сурғи дориберилади. Кейинги антидотли ва симптоматик

терапия захарнинг химиявий турига ва беморларнинг аҳволига қараб ўтказилади.

Танлаб психотроп ва нейротоксик таъсир кўрсатади. Захарланиш симптомокомплекси бош айланиши, бош оғриғи, кўнгил айнаш, қайд қилиш, ич кетиши, сўлак оқиши, совуқ тер билан қопланиши, пульс аввалига секинлашган, кейин тезлашган, аритмик, қорачиқларнинг торайиши, эшитиш ва кўришнинг бузилиши, тутқаноқларни ўз ичига олади. Катталарда ўлим чақирувчи дозаси 40 мг., болаларда 10 мг.(1 дона сигаретда 15 мг. никотин бор). Ошқозонни 1:1000 нисбатдаги калий перманганат эритмаси билан ювилади. Тузли сурғи дорилар ва активлашган кўмир ичишга берилади. Касалхонага юборилади.

Бу ўсимлик танлаб психотроп таъсир кўрсатади. Белгилари: оғизда ва томоқда қуруқлик, нутқ ва ютишнинг бузилиши, яқинни кўришнинг бузилиши, диплопия, ёруғликдан кўрқиш, юракни уриб кетиши, ҳансираш, бош оғриғи, тери қуруқ, қизил, пульс тезлашган, қорачиқлар кенгайган, ёруғликка реакция бермайди, рухий ва ҳаракат қўзгалувчанлиги, кўриш галлюцинациялари, эпилепсияга ўхшаш тутқаноқлар, кома. Биринчи ёрдам. Оғиз орқали захарланганда ошқозон ювилади, кучли диурез, гемабсорбция, бошга ва чов соҳасига муз халта, беморни нам чойшаб билан ўралади.

Танлаб психотроп наркотик таъсир кўрсатади. Касалликнинг психомоторқўзғалиш, қорачиқларнинг кенгайиши, қулоқларнинг шанғиллаши, ёрқин кўриш галлюцинациялари, умумий ҳолсизлик, йиғлоқилик ва пульснинг секинлашиши ва тана ҳароратининг давом этиши билан узоқ чуқур уйқу кузатилади.

Оғиз орқали қабул қилинганда ошқозон ювилади, активлаштирилган кўмир, тезлашган диурез, гемабсорбция. Кескин қўзғалишда аминазин, галоперидол берилади. Қўзиқориндан захарланиш овқат маҳсулотларига захарли қўзиқоринлар (оқ поганка, қизил мухамор, сохта сморчок) тушганда ёки шартли озуқа қўзиқоринларни (сстрочкалар, свинушкалар) истеъмол қилганда юз беради. Қоринда кучли оғриқ, қайд қилиш, гуруч қайнатмаси

кўринишида қон аралаш ич келиши билан намоён бўлади. Тана ҳарорати пасайиши, тутқаноқлар, сариклик пайдо бўлиши, жигарнинг катталашishi, қон босим тушиб кетиб, юрак фаолияти бузилиши мумкин.

Ёрдам кўрсатилмаганда 2-3 кунга келиб жигар-буйрак етишмовчилиги фонида юрак фаолиятининг етишмовчилигидан ўлим юз бериши мумкин.

Строчкалар билан заҳарланганда симптомлар овқатдан 6-10 соатдан кейин пайдо бўлади ва қоринда оғриқлар, кўнгил айнаш, сафро билан қайд қилиш, баъзан ич кетиши билан характерланади. Оғир заҳарланишларда жигар ва талокнинг катталашishi, сариклик, гемолиз, гемоглобинурия (сийдикнинг қизариши), юрак-томир етишмовчилиги, тутқаноқ ва ҳушнинг йўқолиши кузатилади.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. N.R Ochilova, G.S Muratova, D.R Karshieva. The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the. Health and Living Conditions of the Population. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2 (5), 399-402.
2. M.A Amonovich, M.S Muxammadjonovna, M.G Saidovna. Printing and technical properties of cotton fabrics printed by thickning polymer compositions. Austrian Journal of Technical and Natural Sciences, 45-47.
3. R.I Sharafutdinova, G.S Muratova, S.H Mustafayeva. Collaborative learning methods and their application during practical exercises. Биология и интегративная медицина, 44.
4. Т Муратова.Г.С,Шарофутдинова.Р.И Турсунбаева.М. Талабаларда экологик тафаккур ва тарбия тушунчаларини шакллантириш. Тиббиётда янги кун 1 (1(29)), 105-107.
5. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова. Экологик таълим ва тарбия тушунчаларини шакллантириш тамойиллари. Биология и интегративная медицина, 98-104.
6. S.R Infarovna, M.G Saitovna. Role formation of ecological thinking and education in higher education institutions. Academicia: An international multidisciplinary research journal 11 (2), 1400.

7. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова. Концепции экологического мышления и образования и их формирование в сознании студентов. Биология и интегративная медицина, 156-161.

8. Р.И ШАРАФУТДИНОВА, Г.С МУРАТОВА. Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students. Биология и интегративная медицина, 156-161.

9. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, Г.А Жумаева, Ш.А Мустафаева. Using collaborative learning method on conducting practical exercises on the subject of sports medicine. Новый день в медицине, 261-264.

10. Р.И ШАРАФУТДИНОВА, Г.С МУРАТОВА. Принципы формирования концепции экологического образования и воспитания. Биология и интегративная медицина, 98-104.

11. Г.С Муратова. Основы психологии общения медицинской сестры. Young scientists' and mentors' non-standart congress, 177-180.

12. G.S Muratova, D.R Qarshiyeva. Basic Symptoms of Infectious Diseases. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630) 13, 117-121.

13. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, Г.А Жумаева, Ш.А Мустафаева. Спорт тиббиёти фанидан амалий машгулотлар ўтказишда ҳамкорлик таълими усулларида фойдаланиш. Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования.

14. G Muratova. Влияние гастроэзофагеальной рефлюксной болезни на проявления клинического статуса бронхиальной астмы. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 1 (1).

15. Г Муратова. Тарих фанини ўқитишнинг кўргазмали методлари ва улардан фойдаланиш йўллари. Наука XXI века илмий журналы.

16. Г.С Муратова, М.Р Рахматова, В.З. Жалолова, Р.И Шарафутдинова. Инновацион педагогик технологияларнинг амалий машгулотлар ўтказишдаги аҳамияти. Международная учебная онлайн конференция “Современное состояние.

17. A.H Asadullaev, G.C Muratova, P.I Sharofutdinova. Health Lifestyle And safety Activity. The American Journal of applied Sciences. The American Journal of Applied.
18. S.M. Mardonova, G.S. Muratova¹, R.I. Sharafutdinova. Principles of increasing the spiritual and spiritual integrity of the population in possible emergency situations. E3S Web of Conferences 389 (08015), 1-9.
19. RI Sharofutdinova, AN Asadullaev, Z.X Tolibova. The Factors and Basic Concepts Determining Community Health. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2 (5), 376-379
20. AN Asatullayev, OG Jabborova. Bleeding and its Types, Organization of Emergency Assistance in Bleeding. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630) 13, 111-116
21. A Asadullayev. Jamiyatda sog'lom turmush tarzini tashkil qilishda jismoniy tarbiya va sport mutaxasislarining o'rni. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 1 (1).
21. A Asadullayev. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik asoslari
Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).
22. A.H Asadullaev. Jamiyatda sog'lom turmush tarzini tashkil qilishda jismoniy tarbiya va sport mutaxassislarining o'rni. Педагогика ва психологияда инновациялар журнаси, 3-махсус сон, 31-36 бетлар.
23. R.S Baymuradov, A.N Asadullayev, M.B Baxshullayeva. Роль гигиены физического воспитания в правильном росте и развитии подрастающего поколения. «Молодой исследователь: вызовы и перспективы» Сборник статей по материалам ССХХVII. Москва, 158-164.
24. A.H Asatullaev. Ўткир захарланишларда шошилиш тиббий ёрдам. Science and Education 3 (5), 148-153.
25. N Ochilova. Очистка сточных вод промышленных предприятий
центр научных публикаций (buxdu. uz) 1 (1).

26. Н.Р Очилова. Внедрение в практику преподавания элементов проблемного и программированного обучения. Молодой ученый, 188-190.

27. Н.Р Очилова. Исследование физико-химических особенностей рисового крахмала как основного компонента текстильно вспомогательных веществ.

Ученый XXI века, 27-29.

28. А.Н Асадуллаев, Н.Р Очилова, О.Г Жабборова. Healthy lifestyle. Academicsia an international multidisciplinary research journal (SSN: 2249.

29. S. Mardonova, G. Muratova, R.. Sharafutdinova. Principles of increasing the spiritual and spiritual integrity of the population in possible emergency situations.

E3S Web of Conferences 2 (2), 34-40.

30. N. Ochilova. The issue of ecological education in the family. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 30 (30).